

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРНИНГ МАХСУС ЁРДАМГА МУҲТОЖ БОЛАЛАР ТАЪЛИМ ТАРБИЯСИГИ ОИД ҚАРАШЛАРИ

Хуснидинова Саодат

Алфраганус университети ўқитувчиси

Аннотация: Шарқ мутафаккирларнинг махсус ёрдамга муҳтож болалар таълим тарбиясиги оид қарашлари ёритилган

Калит сўз: мутафаккир, ёрдамга муҳтож болалар, илмий ижодий фаолият, руҳий жараён, таълим тарбия.

Инсоният ижтимоий тараққиётининг турли давларида махсус ёрдамга муҳтож болалаларга нисбатан муносабат ўзига хос равишда амалга ошириб келинган. Ўтмиш бобакалонлари ўзларининг муносиб номларига эга бўлган мутафаккирлар юртида жамиятда ҳеч бир инсоният қатлами назардан четда қолмаган. Шарқ мутафаккирларининг бола таълим тарбияси ва педагогикага оид қарашлари махсус педагогиканинг мустаҳкам методологик асоси бўла олиши бугунги кунга келиб ўз исботини топмоқда.

XI-XII асрлардаёқ миллий педагогиканинг илмий дидактик асослари яратилди, шахснинг биологик ва ижтимоий мавжудод эканлигининг моҳияти тадқиқ этилди ҳамда асослаб берилди. Бунга айниқса ўрта асрнинг буюк мутафаккирлари Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоийнинг илмий ижодий фаолиятлари туфайли эришилди. Шарқнинг буюк мутафаккир бобокалонлари илм ривожининг ҳеч бир томонини четлаб ўтмаганлар. Шарқ мутафаккирларининг таълим тарбияга оид қарашлари бугунги кунда ҳам педагогиканинг бой методологик асоси бўлиб келмоқда. Уларнинг нуқтаи назаридан махсус педагогикага оид фирлар ҳам четлаб ўтмаган.

Ўрта асрнинг табиий-илмий, ижтимоий йўналишларининг қариб барча соҳаларида 160дан ортиқ асар яратган ва Иккинчи муаллим номи билан

машғур бўлган мутафаккир Абу Наср Форобий (875-950)дир. Абу Наср Форобий яратган илмларни иккита катта гуруҳга ажратиш мумкин: 1). Қадимги Юнон олимлари, асосан Аристотел асарларига шарҳ сифатида ёзилган рисоалар. 2). Ўрта аср табиатшунослиги ва ижтимоий фалсафий фикрларининг долзарб муаммоларига бағишланган асарлар.

Форобийнинг фикрича, инсоннинг билшини руҳий қобилиятини мия бошқаради, юрак эса барча аъзоларни ҳаёт учун зарур бўлган қон билан таъминловчи марказдир. Инсон барча билимларини ташқаридан олади. Бунинг учун у кўплаб восита ва имкониятларга эга. Булар: сезги, хотира, тасаввур ва айниқса матиқий фикрларш, ақл билан нутқ бўлиб, мазкур воситалар ёрдамида у илмни яратади.

Форобийнинг “Ақл маънолари ҳақида” асарида ақл масалалари чуқур талқин қилинади. У ақл бир томондан руҳий жараён, иккинчи томондан ташқи таъсир таълим-тарбиянинг натижаси эканлигини уқтиради.

Форобий ўз асарларида таълим тарбиянинг муҳимлиги, унда нималарга эътибор бериш зарурлиги, таълим тарбиянинг усуллари ҳақида фикр юритади. “Фозиллар шаҳри аҳолисининг фикрлари”, “Бахт ва саодатга эришув тўғрисида”, “Ихсо алғулум”, “Илмларнинг келиб чиқиши”, “Ақл маънолари тўғрисида” каби асрларида ижтимоий тарбиявий қарашлари ўз ифодасини топган.

Форобий ўзининг “Фозиллар шаҳри аҳолисининг фикрлари” номли рисоласида ҳар бир инсон жамиятдан ажрамаган ҳолда бир бутун фаолият юритиши лозимлигини таъкидлаш билан бизнинг тадқиқот ишимиз мавзусига оид қуйидаги фикрларни билдиради: “Ҳар бир инсон-, деб ёзади у-шундай тузилганки, яшаши ва олий дражадаги етукликка эришмоғи учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади...”. Шундай экан Форобий ўз қарашлари билан барча инсонларни жамиятдан ажралмаган ҳолда фаолият юритиши зарурият эканлигини таъкидлайди. Демак, бу фикрларнинг мазмунидан махсус эҳтиёжли болалар ҳам

умумжамият орасида, барча қатори яшаши, фаолият юритиши ва таълим тарбия олиши керак деган маънони англаш мумкин.

Яна бир йирик адиб, жаҳон миқёсида ўзининг нордир ва бебаҳо илмий фалсафий ва таълим тарбияга оид асарлари билан танилган ва тан олинган, Ғарбда Авеценна номи билан машҳур бўлган буюк Шарқ мутафаккирларидан бири Абу Али ибн Синодир. Ибн Сино ўзининг тиббиётга, инсон тафаккури ва таълим тарбиясига оид қарашлари билан махсус эҳтиёжли болалар ва уларнинг таълим тарбияси тизимига ҳам жуда катта ҳисса қўшди.

Булар орасида Ибн Сино, айниқса, мия фаолиятига муҳим ўрин ажратади, чунки, олимнинг фикрича, мия инсоннинг бош тафаккур органидир, у ҳис этилаётган образларни идрок этади, сақлайди, уларни бошқаради. Бу жараён тана аъзолари ўртасидаги сезгилар ва ҳаракатларни ўзаро бирлаштириб турувчи восита сифатида амалга оширилади.

Ибн Сино биринчи бўлиб психик функциялар миядаги маълум марказлар фаолиятига боғлиқ деган фикрни илгари сурди ва уни исботлашга уринди. Ибн Сино “Тиб қонунлари” асарининг 3-китобида тафаккурга етказиладиган зарарли таъсирлар, унинг натижасида келиб чиқадиган касалликлар хусусида кенг тўхталиб ўтади. У тафаккурнинг зарарланишига мия шишилари сабаб бўлади, деб ҳисоблайди.

Ибн Синонинг инсон темпераментининг психологик асослари ҳақидаги мулоҳазалари қизиқарли бўлиб, у инсоннинг руҳий ҳолати, кўп касалликларнинг келтириб чиқарувчи сабабларини унинг темпераменти билан боғлайди.

Ибн Сино инсоннинг руҳий фаолиятини унинг моддий илдизлари ва бузилишининг сабабларини кўрсатиш билан чекланмайди, балки руҳий касалликларни келтириб чиқарувчи бу бузилишлари муваффақиятли даволаш йўллари излаб топади. Олимнинг фикрича нутқ аъзоларининг касалланиши туфайли нутқ бузилишларига олиб келадиган сабаблардан бири сифатида тил касаллигини кўрсатади.

“Айрим вақтда соқовлик ва нутқнинг бошқа бузилишлари-, деб ёзади буюк табиб-миянинг тилга борувчи ва уни ҳаракатга келтирувчи нервларни чиқиш жойининг жароҳатланиши оқибатида келиб чиқади ”

Ибн Сино кишилар ва айниқса беморларга табиб сифатида қарамасдан балки уларнинг таълим тарбияси масалаларини ҳам ўрганишга уринди. Унинг бу қарашларини махсус ёрдамга муҳтож болаларнинг таълим тарбияси билан боғлаш мумкин.

Ушбу масалага олим ўзининг бир қатор асарларида тўхталиб ўтган. Боланинг тарбияси, саломатлиги, энг муҳими унинг руҳиятини ўрганиш ва таълим тарбияда индивидуал типологик хусусиятларни эътиборга олиш зарурлиги ҳақидаги фикрлари олимнинг педагогик қарашлари асосини ташкил этади.

Ибн Синонинг бу мавзуларга бағишланган асарлари сирасига “Донишнома”, “Хайй Ибн Яқзон”, “Салмон Ибн Ибсол”, “Китоб тадбир ал-манзил” ва бошқалар киради.

Ибн Синонинг фикрича: “Кўпчилик тентак ақли заиф болалар майга тобе бўлган ота-оналарнинг зурриётларидир”

Ибн Синонинг таълим тарбияга оид таълимотида ёш авлод тарбиясига қаратилган мажмуавий дастур қуйидаги қисмларни ўз ичига олади: ақлий тарбия, жисмоний соғломлаштириш, эстетик тарбия, ахлоқий тарбия ва касб ўргатиш.

Ибн Сино мактабдаги таълим тарбия жараёнига катта эътибор беради. Ушбу масалага “Китоб тадбир ал-манзил” китобида “Болаларга мадрасада таълим-тарбия бериш ” номли алоҳида бўлим бағишланган. Ибн Сино унда биринчи ўринда болаларни мактабга қамраб олиш ҳақидаги ижтимоий муаммога тўхталиб ўтади. Унинг таъкидлашича, мактабга ҳамма одамларнинг болалари олиниши шарт. Ҳамма болалар бир жойда жам бўлиб таълим тарбия олишлари керак.

Ибн Сино болаларни алоҳида ўқитишга қарши бўлган. Унинг фикрича болаларни мактабда жамоа бўлиб ўқитилишининг маълум фойдалари борки,

улар қуйидагилардан иборат:

1). Агар барча болалар биргаликда ўқиса, улар зерикмайди, илм ўрганишга қизиқадилар. Уларда бола табиатига хос ўзаро мусобақалашини хоҳиши кучаяди;

2). Ўзаро суҳбатларда болалар бир бирларига китобдан ўқиган ёки эшитган қизиқарли ҳикояларни айтиб берадилар;

3). Болалар бирга тўпланганда бир-бирларини ҳурмат қилишни, дўст бўлишни ўрганадилар, улар нафақат мусобақалашадилар, балки ўқиганларини ўзлаштиришда бир-бирларига ёрдам берадилар. Болалар бу билан ғурурланадилар, бир бирларидан яхши одатларни ўрганадилар.

Шундай қилиб, Ибн Сино инсоният маданиятига, жаҳон фанининг хазинасига беқиёс катта ҳисса қўшган, ўша давр илмларининг деярли барча соҳалари билан шуғулланган, Марказий Осиё халқлари маданиятини Ўрта аср шароитида дунё маданиятининг олдинги қаторига олиб чиққан қомусий олимдир.

Шарқнинг энг ёрқин мутафаккир юлдузи, ғазал мулкининг султони Алишер Навоийдир. Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Амир Темурнинг ўғли Шохрух Мирзо шоҳлиги даврида Ҳиротда туғилди. Унинг отаси Ғиёсиддин Муҳаммад теурийлан саройининг амалдорларидан, хонадонининг ишончли кишиларидан эди.

Алишер Навоий 1469-1472 йилларда мухрдор, 1472-1476 йилларда вазир бўлиб ишлади, 1487-1488 йилларда Астарабодга ҳокимлик қилди.

Алишер Навоий шеърни, шоирликни ҳамма нарсадан баланд қуйган. Шунинг учун ҳам “Наводир ун-нихоя”, “Вақфия”, “Маҳзан ул-асрор”, “Равзат ус-сафо”, “Рисолайи муаммо”, “Хамса”, “Тархи мулки аҷам”, “Зубдат ут-тарових”, “Назм ул-жавохир”, “Ҳазойин ул-маоний”, “Ғаройиб ус-сиғар”, “Девони Фоний”, “Насойим ул-муҳаббат”, “Лисон ут-тайр”, “Маҳбуб ул-қулуб” каби кўплаб шоҳ асарлар яратди.

Навоий асарлари кўпқирралилик хусусиятига эга бўлиб, уларнинг мазмунини тасаввуф таълимоти, ахлоқ-одобга оид панд-насихатлар, назм

қоидалари, тарихий воқеалар тафсилоти ташкил этади.

Мир Алишер Навоий ўзининг халқпарварлиги билан доимо халқ фаровонлигини ўйлаб ташвишланган. Бу кечинмаларини ўз ижодида ҳам ифодалаган. Жамиятдаги барча инсонларни бир хил, тенг деб ҳисоблаганлар. “Махбуб ул-қулуб” асарида шундай ёзади:

“Сарву гулу лола харидори бор,
Ўтинниг доғи, бозори бор” .

Яъни, сарви гули чиройли бўлганлиги учун унинг харидорлари кўп, аммо ўтин кўримсиз бўлсада унга ҳам зарурий эҳтиёж бор.

Агарда биз бу шох мисраларга махсус педагогика нуқтаи назари билан қарайдиган бўлсак, соғлом болалар ва инсонларнинг жамиятда ўрни маълум, аммо шундай бўлсада ногирон-махсус эҳтиёжли болалар ва шахсларнинг ҳам ўз ўринлари бор. Улар ҳам жамият учун нафли. Шунинг учун ҳам барча инсонларни тенгликда қарамоқ лозим, деган маъно англашилади.

Бундан ташқари Алишер Навоий бутун умр халқ саводли бўлишини ўйлаган. Шундай қилиб, ғазал мулкининг султони хазрат Мир Алишер Навоий ҳам ўз нуқтаи назари билан таълимдаги тенгликни илгари сурганлар.

Биз махсус эҳтиёжли болаларни инклюзив таълим тизимида жалб этишнинг илмий-педагогик асосларини ўрганар эканмиз аввало жаҳон цивилизациясига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган Шарқ мутафаккирларининг ҳам мазкур мавзуга оид қарашларин ўрганишни лозим, деб билдик. Буюк мутафаккирларимизнинг асарларни таҳлил қилар эканмиз, улар ўз асарлари билан ногирон болалар таълим тарбияси мазмунининг бой методологик асосларин яратганлигининг гувоҳи бўлдик.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Алишер Навоий каби буюк мутафаккирларимизнинг барчаси жамиятни бир бутун деб қараб, барча инсонларни тенг деб ҳисоблаганлар, жумладан, бизнинг тадқиқот ишимизга оид бўлган барча болаларни биргаликда ўқитиш лозимлигига оид таъкидлари махсус эҳтиёжли болалар таълим тизимида жуда қимматлидир.

Демак, махсус эҳтиёжли болаларга ҳам жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида таълим тарбия бериш буюк Шарқ мутафаккирларининг ҳам диққат марказидан четда қолмаган.

Адабиётлар:

1. “Алохида ёрдамга мухтож болаларни маънавий ва эстетик ривожлантириш” мавзусидаги илмий - назарий конференция материаллари. Тошкент-“Узинкомцентр”-2002 йил.
2. Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари. 1- китоб. – Тошкен: Фан 1954
2- китоб , 1956; 3 (1) – китоб , 1959; 3 (2) – китоб, 1960; 4 – китоб 1960; 5 – китоб 1961;
3. Абу Али Ибн Сино буюк меъроси ва замонавий фан ютуқлари. – Тошкент , 2000.
4. Буюк сиймолар, алломалар, 1- китоб Абдулла Қодирий номидаги халқ меъгнос нашри.1995, 2 – китоб 1996.